



Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуриimiz бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 6 сентябрь сешанба № 37 (764)

e-mail: info@press-iq.uz

www.minjust.uz

Ҳуқуқий тарғиботнинг жамият
ва омма тафаккури
юксалишидаги ўрни


3

МАМЛАКАТИМИЗДА олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга асос бўлмоқда. Ҳуқуқий тарғибот — жамият ва миллат юксалишининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Бугунги кунда ҳуқуқий тарғиботнинг республикада қай даражада олиб борилаётганини кизиқиб, баъзи саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлари номзоди Тамара ТИЛЛАЕВАга мурожаат қилдик.

Миллат келажаги тарбияси мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир

Ислом КАРИМОВ:

Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар бирингизнинг қалбингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин.



2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида 8501 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларга 1399,9 миллиард сўм маблағ сарфланди. Умуман олганда, мустақиллик йилларида 351 та янги мактаб қурилди, 2470 та мактаб капитал реконструкция, 3608 таси капитал таъмир ва 2072 та мактаб жорий таъмирлашдан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 10 ноябрдаги "Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил қилиш тўғрисида"ги ҳамда 2010 йил 29 декабрдаги "2011 йил Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорларига кўра, 2011 йилда жами 317 та умумтаълим мактабда қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Жумладан, 2011 йилда янги уй-жой масивларида 45 та янги мактаб қад ростламоқда, 121 та мактаб капитал реконструкция қилинмоқда, 151 та мактаб капитал таъмирланмоқда.

2011-2012 ўқув йилида жами 307 номда 17 315 731 нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларини чоп этиш режалаштирилган бўлиб, шундан 173 номда 12 220 582 нусха дарсликлар қайта нашр, 134 номда 5 095 149 нусха дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар янги нашрдир. Ушбу мақсадларга жами 26 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 20 декабрдаги "Илғор педагогик технологиялар бўйича тажриба-тадқиқот майдонлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги буйруғига асосан республика миқёсида 28 та тажриба-тадқиқот майдони ташкил этилган. Мазкур тажриба-тадқиқот майдонларига апробациядан ўтказиш учун 118 та инновацион педагогик технологиялар тақдим этилган эди. Бу жараён 2010-2011 ўқув йилининг 3-чорагидан бошланди ва мазкур ўқув йилининг 2-ярим йиллик якунларига кўра апробациядан ўтказилган 33 та интерфаол усуллар амалиётга жорий этилди.

Ўзбекистондаги барча мактаблар ўртасида оператив равишда ахборот билан алмашишни тизими ва ягона таълим тармоғини ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилган, унинг вазифаси электрон дарслик ва мультимедиа воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Халқ таълими тизимида 8603 та кутубхона ва 1074 та ахборот ресурс маркази фаолият олиб бормоқда. Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш кўрсаткичи ўсиб бормоқда. Сўнгги беш йилда 117 190 054 миллион нусхада дарслик ва ўқув-методик қўлланма чоп этилди. Агар ўтган асрнинг 90-йиллари бошида ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиш даражаси 55,4 фоизга тенг бўлган бўлса, айни пайтда таълим олиб борилаётган барча тиллар ҳисобида мазкур кўрсаткич 100 фоизга тенглашди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 июндаги "2011-2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарори асосида битирувчиларнинг 36826 нафарини академик лицейларга, 547674 нафарини касб-хунар коллежларига қабул қилиш параметрлари тасдиқланган. Шунингдек, вақтинча ташкил этилган 10-синфларга 6453 нафар битирувчини қамраб олиш белгиланган.

"Инсон ва қонун" мухбири Фарида ҚОРАҚУЛОВА тайёрлади.



Табриклаймиз!

БАТАНИМИЗ мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан ҳуқуқий муҳофиза қилиш органлари, Мудофиа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан одлия тизими ходимларидан ҳам бир гуруҳ фаол ҳамкасбларимиз мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

"Дўстлик" ордени билан
Якубова Дильбахор Шариповна —
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Нотариат, ФХД ва адвокатура
бошқармасининг бошлиғи.

"Содиқ хизматлари учун" медали
билан
Мамаджанов Шухрат Муратович —
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Маъмурий ва ижтимоий қонунчилик
бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

"Шухрат" медали билан
Закирова Эльшад Икромовна —
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани 1-сон
давлат нотариал идорасининг нотариуси

Мелиев Худаёр Хуррамович — Ўзбекистон
Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодий
қонунчилик бошқармасининг бошлиғи

Назарова Бусолия Абдуллаевна —
Фарғона вилояти Бувайда тумани ФХД
бўлимининг мудири

Садиков Шухрат Улашевич — Ўзбекистон
Республикаси Адвокатлар палатасининг
Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси
бошлиғи

Тагаев Сафарбай Улашевич — Самарқанд
вилоят адлия бошқармасининг Тадбиркорлар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.

Шунингдек, Президентимиз Фармонида
биноан бир гуруҳ адлия тизими ходимлари
"Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил"
эсдалик нишони билан тақдирландилар. Ўзбекистон
Республикаси Адлия вазирлиги бўйруғи билан меҳнатда
фидойилик кўрсатган бир гуруҳ адлия органлари
ҳодимларига фахрий ёрликлар топширилди,
ташаккурнома эълон қилинди.

Ватанимизнинг юксак мукофотлари муборак бўлсин,
азиз ҳамкасблар!

Қонун доирасида Тушунча ва атамалар

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бир хил қўлланилишининг аҳамияти

МАҲАЛЛИЙ давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ажралмас бўлаги сифатида ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солишда алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда республикада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш соҳасида зарур норматив база шаклланган.

АМАЛДАГИ қонунларга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Таъкидлаш лозимки, мазкур ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шартлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив ҳу-

сусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг юридик экспертизаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилиши белгиланган. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатини сезиларли даражада яхшилаш, ҳуқуқий нормалар коллизияси, номувофиқликлари ва кўп маънолилигининг олдини олиш, норматив кўрсатмаларни амалга оширишда салбий оқибатлар келиб чиқиши эҳтимолининг олдини олиш имконини беради.

Шаҳар аҳлига туҳфа



Адлия тизимида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президентининг "Наманган шаҳрининг 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ишлар бошқармасининг 2010-2011 йилларга мўлжалланган иш режасига асосан Наманган шаҳридаги вилоят адлия бошқармаси балансида бўлган 1-сон ФХД бўлими биносини реконструкция қилиш белгиланган эди.

МУСТАҚИЛЛИК байрами арафасида бу иш муваффақиятли якунланди. Фойдаланишга топширилган бу бионинг очилиш маросими катта тантаналар билан бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар янги бино ва ундаги қулайликлар фуқароларга, айниқса, келажагимиз бўлган ёшларга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунаси ҳамда вилоят аҳлига байрам туҳфаси эканлигини таъкидладилар.

Абдухашим МАДАТОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

2

бағар устунги масалаларни ҳисоб-
баға олинган бўюм ёки бошқа
нарсалари бўлиши мумкин. Бу-
ларнинг барчаси никоҳ шарт-
номасида акс эттирилса, оила
аъзоларининг мулкый ҳуқуқлари
таъминланиб, ўзаро келишмов-
чилик юзага келишининг олди-

Адлия минбари

Ҳуқуқий тарғиботнинг жамият ва омма тафаккури юксалишидаги ўрни

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари Тамара ТИЛЛАЕВА билан суҳбат.

— **ЎЗБЕКИСТОНДА** суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни қандай?

— Мамлакатимизда кенг қамровли иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Асосий қонунимиз — Конституциямиз замирида таъминоти янги қонунчилик тизими вужудга келмоқда. Бу жараёнларнинг барчасида ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак деган асосий ва ягона мақсад мужассам эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимизда ислохот давом этаётган ислохотларнинг натижаси, аввало, унинг заруриятини кенг аҳоли қатлами қай даражада тушуниши, қабул қилиши ва қўллаб-қувватлаши, бу ўзгаришларнинг инсон ҳаётига, турмуш фаровонлигини оширишга кўрсатадиган амалий таъсири билан ўлчанadi.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ҳам узққни кўзлаган ҳолда, инсон манфаатларини ўйлаб чукр мулоҳаза билан, миллий қадриятларимиз, аъналаримиз ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида амалга оширилиб, ҳаётга татбиқ қилинмоқди. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг бош мезони Асосий қонунимизда инсон ва унинг ҳаёти олий нёъматдир, дея эътироф этилган эзгу тамойилга асослантирилди ва суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишнинг мутлақо янги концепцияси яратилди. Хусусан, жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Президентимиз томонидан 2005 йил 1 августда эълон қилинган **“Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”**ги Фармони инсонпарварликнинг энг олий нуқтаси дейиш мумкин.

Миллийлигимизга хос бўлган меҳр-шафқат, бағрикенглик ҳамда кечирим-лилик ҳислатларини ўзида мужассамлаштирган мазкур Фармон халқимиз ва халқаро ҳамжамият томонидан илқ қўлиб олинди, ижобий баҳоланди. Фуқароларимиз қалбиди Ватанга меҳр-муҳаббат ва садқат туйғулари билан янада юксалишига замин яратди.

Кенг аҳоли қатламига барча соҳалардаги, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аниқ равшан тушунириб бериш ва тўлақонли етказиш ниҳоятда муҳим ва долзарб масалалардан биридир. Зеро, ислохотларнинг бош ўзагини демократик давлатнинг энг муҳим жиҳати бўлган қонун устуворлигини таъминлаш ва юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш ташкил этмоқда.

Бугунги кунда республикамизнинг ҳуқуқшунос олимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан адлия ходимлари аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онг ва саводхонлигини янада оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишлари кенг олиб борилаётган.

Жамиятимиз аъзоларининг, шу жумладан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш учун олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларимизнинг таъсирчанлиги қай даражада тушунарли эканлигига ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июнь ойда **“Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишлари яхшилаш ҳақида”**ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчилиқни мустаҳкамлаш ва иқтисодий адолат қарор топиши таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислохотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билимини юксалтириш, жамият аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида, республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳолининг чуқур англаб етишига ҳар томонлама қўмаклашиш давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг долзарб вазифалари эканлиги қатъий белгиланди.

Ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг барча усуллари нотиклик санъати, ҳуқуқий билимдонлик ва чуқур масъулият билан ёндашувни талаб этади. Шундагина унинг таъсирчанлик кучи ошиб, жамият ҳаётида ўзининг ижобий самарасини беради. Шунингдек, давр талабидан келиб чиққан ҳолда ахборот соҳасини ислох қилиш замиридаги асосий мақсадлардан бири ҳам ҳуқуқий тарғибот ишларини янада мукамаллаштиришдан иборатдир.

— **Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги** мобайнида адлия, прокуратура органлари ва судларнинг фаолиятини тарғиб қилишда ОАВнинг ўрни қандай?

— Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги давомида оммавий ахборот воситаларини босқичма-босқич ривожлантириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида турган асосий масалалардан бири бўлиб келмоқда. Ўз навбатида мамлакатимиз тараққиёти, истиқлолимиз барқарорлиги, фуқаролик жамияти қуриш, ҳуқуқий демократик давлатнинг муносиб ворислари бўлиш баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсадларимиз йўлида эришаётган ютуқларимизда ОАВнинг ўрни бекиёс. Бугунги кунда ОАВ бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий минбар вазифасини ўтамоқда. Истиқлолимизнинг 20 йиллик даври Ўзбекистон миллий оммавий ахборот воситаларининг шаклланиш ва ривожланиш механизмни яратди. Ўзбек миллий матбуоти жаҳон миқёсидаги ахборот майдонида ўзининг мустақил сўзига, ўрни ва мавқеига эга бўлди.

Мамлакатимизда ҳар кимнинг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқлари, ОАВнинг эркинлиги Асосий қонунимиз бўлган Конституциямиз ва **“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”**ги, **“Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги, **“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”**ги ҳамда бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари билан кафолатланган. Мазкур қонунлар асосида мустақиллик йиллари барча соҳалар қаторида ОАВ учун ҳам серқирра ривожланиш даври бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

Маълумки, ОАВ кенг жамоатчилик ўртасида қудратли таъсир кучига эга бўлган, кишиларнинг дунёқараши, сиёсий савияси ва маънавиятини шакллантирувчи асосий восита ҳисобланади. Содда қилиб айтганда, халқ билан мулоқот минбари, шунингдек, халқ минбари ҳамдир. Шу сабабли ҳам ОАВ орқали айтаётган ҳар бир сўзимиз асосан эзгуликка, маънавият ва маърифат, халқимиз манфаатига хизмат қилишини ҳис қилишимиз керак.

Ҳозирги пайтда давлатимиз томонидан миллий матбуотни давлат ва жамиятни бамисоли бир кўприкдек боғлаб турадиган жонли мулоқот воситасига айлантириш, ОАВни шиддат билан олға кетаётган давр талабига мунанд ривожлантириш ва уларни фуқаролик жамияти институти сифатидаги аҳамиятини кучайтириш долзарб масалалардан бири, деб қаралмоқда. Юртбошимиз 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги **“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** номли маърузасида ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масаласига алоҳида урғу бериб, ахборот соҳасини ривожлантириш мақсадида бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди. Президентимиз томонидан тақлиф этилган ушбу қонун ҳужжатларини ҳаётга жорий қилиш ОАВнинг янада эркин ва мустақиллигини таъминлашга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли мамлакатимизда ОАВ учун мутлақо янги, ишончли ва ҳар томонлама мустаҳкам ҳимояланган, шу билан бирга ўта маъсулиятли давр бошланди.

— **Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, адлия, суд, прокуратура ва бошқа мутасадди идоралардаги ҳуқуқий тарғибот ишларининг ўзаро ҳамкорлиги қай даражада ва бу борадаги фаолиятга муносабатингиз?**

— Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 15 июндаги **“Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишлари яхшилаш ҳақида”**ги Фармони, 1997 йил 29 августдаги **“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”** ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги **“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”** амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”

ги қарори мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш борасидаги чора-тадбирлар ривожига муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳуқуқий-норматив ҳужжатларга асосан Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ва қонунчиликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган, деб белгиланган. Шу нуктаи назардан, Адлия вазирли билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий ҳўжалик суди раиси, Бош про-

курор, Ички ишлар вазири ўртасида **“Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунчиликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида”**ги меморандумлар имзоланди ҳамда уларга мувофиқ чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мазкур меморандумларга асосан адлия идоралари билан биргаликда суд, прокуратура ва ички ишлар идоралари вакиллари ҳуқуқий тарғибот ишларида иштироки натижасида ҳуқуқий тарғибот фаолиятининг самарадорлиги янада ошди.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари томонидан фуқаролар, айниқса, ёшларни Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш борасида олиб бораётган турли тадбирлари диққатга сазовордир. Шу нуктаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, адлия идоралари, прокуратура, ИИБ ва бошқа тегишли мутасадди ташкилотларнинг ҳамкорлигида олиб бораётган саз-ҳаракатлари мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикасининг **“Прокуратура тўғрисида”**ги Қонуни прокуратура зиммасига воёга етмаганларга оид қонунлар ижросини назорат қилиш вазифасини юклайди. Бош прокурорнинг 2004 йил 22 июндаги **“Воёга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”**ги буйруғи бу қонун ижросини таъминлашда янада муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг жамоатчилик қатори адлия идоралари, хусусан, ФХД бўлимлари ходимлари билан биргаликдаги ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этиш ҳам ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Маълумки, ўсмир ота-она эътиборидан четда қолганда, оила меҳр-муҳаббати етишмаслиги оқибатида жиноят кўчасига кириб қолади. Яхши таълим-тарбия олган баркамол авлод ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик йўлига кирмайди. Аксинча ҳуқуқий савияси паст, ҳуқуқий маданиятдан йироқ оиладаги носоғлом муҳит гирдобидидаги ўсмирлар жиноятчиликнинг ҳар қандай ботқоғига ботиши тайин.

— **Мамлакатимизда олиб борилаётган турли соҳадаги ислохотлар натижасида вужудга келган зарурият, яъни, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни ошириш учун яна нима ишлар қилиниши лозим деб ўйлайсиз?**

— Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш мамлакатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, Президентимиз 1997 йил 20 май куни республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, ОАВ вакиллари билан бўлган учрашувда **“Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам қатта ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Мустақиллик — ҳуқуқ дегани”** дея таъкидлаган эдилар. Биз кучли демократик давлатдан кучли ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш йўлида борар эканмиз, бу йўлда юксак ҳуқуқий маданиятимиз энг ишончли таянч бўла олади. Юксак ҳуқуқий маданият кучли фуқаролик жамиятининг пойдеворидир. Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги босқичи фуқароларимизнинг, айниқса, эртамиз эгалари бўлган ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини ва ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни объектив зарурият қилиб қўймоқда.

Бугунги кунда ҳуқуқий тарбияни янада ривожлантириш, уни юксак ҳуқуқий маданият даражасига кўтариш нафақат ҳуқуқшунослар, балки кенг жамоатчиликнинг, яъни барчамизнинг асосий вазифамиздир.

Ўзбекистон Республикасининг **“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури”** Миллий дастури ўз мақсад ва моҳиятига кўра, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, инсонни қадрлаш ва унинг қадр-қимматини жойига қўйишни ўз замирига олган мукамаллик манбаидир. Юртимиз аҳолисининг, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш учун мана шу қимматли дастурининг ижроси тўлиқ таъминланишига эришиш лозим, деб ўйлайман. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, таълим-тарбия муассасалари, ОАВнинг ролини янада кучайтириш ҳамда миллий аъналар ва жаҳон тажрибасидан фойдаланиш йўли билан мазкур дастур ижросига эришиш мумкин.

Суҳбатдош: Гули ҲОЖИБОЕВА, журналист



XALQ BANKI

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси

Юртдошларимизни, энг улуғ ва муққадас саналган Ватанимиз **МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ** байрами муносабати билан самимий муборакбод этади!

Ушбу файзли кунларда барчага мустаҳкам соғлиқ, фаровон ҳаёт, оилавий бахт, истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизга улкан зафарлар тилайди.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!



ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!

“PENG SHENG”
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

азиз ватандошларни ҳамда жаннатимонанд юртимизга ташриф буюрган меҳмонларни Истиқлолимизнинг 20 йиллик қўлтиғи тўйи билан самимий муборакбод этади!

Мустақиллик берган илкони-яшлардан унчили фойдалана-ётган мамлакатимиз тадбир-корлари, барча соҳа вакиллари ҳамда бутун халқимизнинг оиласига тинчлик-хотиржамлик, қасдирхонига қўт-бароқа, амалга ошираётган эзгу ишларига улкан зафарлар тилайди.



МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5